O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... PALATASI

УШБУ СОНДА:
2 “ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРИЛСИН...”
МЕҲНАТИДАН РОЗИ ОДАМЛАР 3
ТАЪЛИМНИНГ АСОСИ – ТАРБИЯ 4
БИР ЎЛИБ ТИРИЛГАНЛАР

MEZON:

Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, ҳақ тўлаши лозим. Маънавий зарар учун тўланадиган ҳақ миқдорини суд белгилайди.

Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш мулкий зиён ва истеъмолчи кўрган зарарнинг ўрни қопланишидан қатъи назар, амалга оширилади.

“ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, 22-МОДДА.

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 6 (412) 2005 йил 8 февраль сешанба

Сотувда эркин нархда

ЖАМИЯТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ СТРАТЕГИЯСИ

Мамлакатимизда Олий давлат вакиллик органи — қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали асосида фаолиятини амалга оширишга киришгани миллий давлатчиликни ривожлантириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги муҳим қадамлардан бири саналади. Аниқроқ айтганда, юртимизда ҳам дунёнинг тараққий этган давлатлардаги сингари том маънодаги парламентаризмга асос солинди.

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи қўшма мажлисида мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда давлатимизнинг стратегик дастурини белгилаб берган Президентимиз Ислом Каримовнинг “**Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш**” тўғрисидаги маърузаси нафақат юртимиз жамоатчилиги, балки жаҳон аҳли диққат-эътиборини ҳам ўзига жалб этмоқда. Юртбошимиз ўз маърузасида бўлиб ўтган сайлов жараёнларига якуний баҳо бераркан, бу муҳим сиёсий тадбир чинакам демократик тамойиллар, меъёрлар ва механизмлар асосида очиқлик ва сиёсий бағрикенглик шароитида ўтганини, айниқса, бу жараёнларда сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг кескин жонланиши ва фаоллиги яққол кўзга ташланган, сайловларда иштирок этган барча сиёсий партиялар парламентнинг қонунчилик палатасида ўз фракцияларини ташкил этишга эришгани сайловчиларнинг сиёсий ва фуқаролик савиясини етуклиги натижаси деб баҳолаш мумкин, дея таъкидлади.

Шунингдек, Юртбошимиз мамлакатимиздаги демократик янгиланиш ва эркин ижтимоий тузумга хос бўлган барча асосий қадриятларни инобатга олган ҳолда давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилиш (замонавийлаштириш) ўзбек моделининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган босқичма-босқичлик тамойилига тўлиқ мос келаётганига алоҳида урғу бериб ўтди.

Дарҳақиқат, жамият ва давлатнинг ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичида ҳам илгаригидек мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа қилиб белгиланди. Демократик тамойиллар асосида қонун устуворлиги амалда таъминланган ҳуқуқий давлат ва ижтимоий адолатга асосланган эркин фуқаролик жамияти тадрижий, яъни эволюцион тарзда барпо этилиши кўзда тутилган. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида пайдо бўладиган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳалардаги айрим муаммолар аста-секинлик билан пухта тайёргарлик кўриш орқали ҳал этилаётгани қувонарли ҳолдир.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг сиёсий жиҳатдан “**мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш масалаларида турли инқилоблар ва ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишлари**” мутлақо тўғри келмаслиги, чунки ақидапарастликнинг ҳар қандай кўриниши, жумладан, диний ёки коммунистик ақидапарастликнинг замирида ўз мафкурасига, ҳаётга қарашларига мос келмайдиган ҳамма нарсани инкор этиш, жумладан, “**кимки биз билан эмас экан, у бизга қарши**” деган тамойил мужассам экани тўғрисидаги қатъий қарашларини эслаш жоиздир. Зотан, бош қомусимиз бўлмиш Конституциямизнинг 11-моддасида ҳам “**Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланиши**” қатъий белгилаб қўйилган.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида мамлакатни модернизация қилишда ислоҳотлар жараёнига бевосита боғлиқ устувор вазифаларни бешта йўналишда амалга ошириш зарурлигини таъкидлар экан, ҳар бир йўналишда ечимини топиши лозим бўлган долзарб масалалар юзасидан дастурламал ғояларни баён қилди. Бошқа соҳаларда изчил давом этаётган ислоҳларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш жараёнида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “**суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ижобий ишларни қайд**” этиш билан бирга “**бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар бор**».

Аввало шуни айтиш жоизки, бу йўналишда амалга оширилиши кўзда тутилган ислоҳлардан асосий мақсад — судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлашдир.

(Давоми учинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Б.Мустафоевни Ўзбекистон Республикаси адлия вазири этиб тасдиқлаш тўғрисида

Бўритош Мустафоев Ўзбекистон Республикаси адлия вазири этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 3 февраль.

ЎТГАН ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ХАБАРЛАРИ

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.

* * *

Брюсселда “Ўзбекистон Республикаси — Европа Иттифоқи” ҳамкорлик кенгашининг олтинчи мажлиси бўлиб ўтди.

* * *

Украинанинг Ўзбекистондаги элчихонасида дипломатик корпус вакиллари, сиёсатшунослар иштирокида уюштирилган тадбир икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди.

* * *

Эрон ва Россия ҳукуматлари биринчи марта Эроннинг алоқа йўлдошини фазога учириш бўйича ҳамкорлик ҳақида шартнома тузди.

* * *

АҚШ президенти Жорж Буш ўзининг Конгрессга йиллик мурожаатида фаластинликларга кенг кўламли ёрдам кўрсатишга ваъда берди. Жумладан, у фаластинликларга 350 миллион доллар миқдорида молиявий ёрдам кўрсатилишини айтган.

* * *

Жазоирда кучли қор ёғиши ва бўронлар кузатилмоқда. Кутилмаган қор ёғиши натижасида мамлакат пойтахти ҳаёти анча издан чиқди: халқаро аэропортда барча рейслар бекор қилинди, яна бир қанча шаҳарлардаги аэропортлар ёпилди.

* * *

Грециянинг шимолий қисмидаги вилоятлар қалин қор остида қолиб кетди. Тоғли ҳудудларда жойлашган қишлоқларнинг катта шаҳарлар билан алоқалари узилиб қолган. Мамлакатнинг кўплаб шаҳарларида мактаблар ёпилган.

* * *

НАСА томонидан фазога учирилган ҳаво шари қонотда 42 кун давомида учиб, Антарктидани уч бор айланиб чиққан ҳолда ҳаво шарларининг бетўхтов равишда узоқ учиши бўйича жаҳон рекордини ўрнатди.

Bugunning gapi

ЮКСАЛИШЛАР ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим сиёсий жараён — икки палатали парламентга сайловлар ниҳоясига етди. Демократик янгиланиш ва эркин ижтимоий жамиятга хос бўлган, барча ижтимоий қадриятларни ўзида мужассам этган адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида дадил қадамлар ташланди. Асосий Қонунимиз ҳамда сайлов қонунчилиги талаблари, халқаро меъёр ва қоидаларга тўлиқ амал қилинган ҳолда демократия асосида ўтган ушбу сайловлар айтиш жоизки, Ўзбекистонни ҳар жиҳатдан тараққий эттирадиган фуқаролик жамияти учун ҳуқуқий заминдир.

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганларидек, **сайлов биз учун чинакам демократик тамойиллар, сайловнинг меъёр ва механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда мактаб вазифасини ўтади.**

28 январ куни бўлиб ўтган ушбу мажлисда мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш соҳасидаги асосий вазифаларга эътибор қаратиш билан бирга бу борада ана шундай хулосага келинди. Мажлисда айтилганидек, **давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа — бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат. Яъни бу тармоқларнинг ҳар қайси ўз вазифасини англаган ҳолда иш юритиши, масъулиятни ҳис этиши керак.**

Айниқса, ҳокимиятнинг учинчи тармоғи суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш алоҳида аҳамиятга молик масала. Маълумки, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг янги концепцияси жорий этилди. Судлар жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилди. Суд ишларини апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институтлари жорий этилди. Бу ислоҳотларнинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, қонунчиликда одил судловни амалга ошириш шаклларидан бири — ярашув институти таркиб топди.

Шунингдек, матбуот ва оммавий ахборот воситалари мамлакатимиздаги ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнининг амалдаги ижросини ёритувчи, ҳаётдаги долзарб муаммолар ҳақида ошкора фикр юритувчи минбардир. Биз ахборот, коммуникация ва компьютер технологиялари асрида яшаяпмиз. Аёнки, бундай пайтда одамлар онги ва тафаккури тараққий этиши учун ОАВнинг ўрни ниҳоятда муҳим. Модомики, халқимизнинг билим савияси, дунёқараши, ўз ҳақ-ҳуқуқини танишида бу тармоқ етакчи аҳамият касб этар экан, матбуот ва ахборот эркинлиги ҳақида гапириш ўринлидир.

Демакки, ОАВнинг жамоатчилик орасида таъсирчанлиги юқори. Дарвоқе, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ахборот эркинлигини таъминламасдан оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикри ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатларини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб демократияни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки тўғрисида сўз юритиб бўлмайди, деган тушунча жамоатчилигимиз ўртасида тобора кучайиб ва мустаҳкамланиб бормоқда.

Табиийки, мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар туфайли матбуотнинг ҳам, ОАВнинг ҳам зиммасидаги масъулият янада ошди. Янгиланишлар улар олдига янги талабларни қўймоқда. Бу эса ҳали олдинда қилиниши лозим бўлган устувор вазифалар кўплигини кўрсатади. Ислоҳотлар жараёнига фаол иштирок этишимизни тақозо этади.

Таваккал ХЎЖАЕВ,
Бухоро вилояти

Qonun sharhi

ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ: КАФОЛАТЛИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, кам таъминланган, қаровчисини йўқотган оилаларга кўмак бериш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Энг муҳими, бундай ижтимоий ҳимоя учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилаётгани кишини қувонтиради. “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат янги босқичга кўтарилганининг ёрқин намунасидир.

Биз қуйида бу қонуннинг мақсади, вазифаси, жамғариб бориладиган пенсия таъминотини шакллантириш ва амал қилиш механизми, умуман айтганда, янги қонун фуқароларга қандай афзалликлар яратиб бериши хусусида фикр юритамиз.

Шуни айтиш жоизки, ушбу қонун фуқаролар меҳнат лаёқатини йўқотганда (қариган чоғида, ногирон бўлиб қолган тақдирда) уларни моддий тарафдан қўллаб-қувватлашни назарда тутади. Унинг 4-моддасига асосан жамғариб бориладиган пенсия таъминотини олиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар эга. Бу шахслар пенсия таъминоти тизимида икки хил кўринишда иштирок этишади. Биринчиси, мажбурий тартибда бўлиб, буларга, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқаролар киради. Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек, бошқа фуқаролар (меҳнат шартномасига эга бўлмаганлар) жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этади.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимининг амал қилиш механизмини шартли равишда 3 та катта бўғинга ажратган ҳолда қуйидагича шарҳлаш мумкин.

1. Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш:

Пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш, иш берувчининг талабномасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг асосий иш жойидаги Халқ банки филиалида, ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш эса аризасига мувофиқ ўзлари истиқомат қиладиган ҳудуддаги Халқ банки филиалида амалга оширилади. Аниқроқ айтганда, бу шахслар номига пенсия ҳисобварақлари очилиб, белгиланган намунадаги жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси берилади. Пенсия ҳисобварақларига тартиб рақами бериш эса фуқароларнинг паспортидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Фуқароларнинг яшаш ёки иш жойи ёхуд паспортидаги маълумотлар ўзгарган тақдирда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобвараги тартиб рақами ўзгаришсиз қолади ва янги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобвараги очиш талаб этилмайди.

2. Жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларни шакллантирилиши.

Хўш, бу жараён қандай амалга оширилади?

(Давоми учинчи бетда)

Ajab savdolar

ШАРТНОМА ВА МАЖБУРИЯТ

Ўтган йил “Чортоқ тола” ҳиссадорлик жамияти билан бир қатор ширкат ва фермер хўжаликлари ўртасида икки тарафлама контрактация шартномалари тузилган эди. Маълумки, шартнома тузиш қозоз қоралаб қўйиш, дегани эмас. Балки у томонларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган қонуний ҳужжатдир.

Хўш, шундай экан, «Чортоқ тола» ҳиссадорлик жамияти билан тузилган шартномаларда икки томон, яъни ҳиссадорлик жамияти ва деҳқонларнинг манфаатлари ҳам тенг ифода этилганми?

Афсуски, бу саволга «ҳа», деб жавоб беролмаймиз. Чунки...

Текширишлар шуни кўрсатадики, икки тарафлама имзоланган шартномаларни тузишда кўпол ва жиддий хатоликларга йўл қўйилган. Жумладан, ўтган йилнинг 25 февралида жамият билан “Лочин” фермер хўжалиги ўртасида 724-сонли контрактация шартномаси тузилган. Бироқ шартнома “Сунбул” фермер хўжалигининг муҳри билан тасдиқлангани кишини ҳайратга солади.

Агар бундай ҳолат ягона бўлса, уни оддийгина англашилмовчиликка йўйиш мумкин эди. Бироқ “Бахт-2000” фермер хўжалиги билан тузилган шартнома ҳам бундай камчиликдан холи эмас. “Мустақилликнинг 10 йиллиги” фермер хўжалиги “Бахт-2000” фермер хўжалигига шартномага муҳр босишда «ёрдам қўлини чўзиб» юборган.

Бундан ташқари томонлар ўртасида шартномалар тузишда “**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида**”ги қонуннинг 10-моддаси талаблари ҳам қўпол равишда бузилган. Жумладан, Янгиқўрғон туманидаги “Чемпион Фарм” фермер хўжалиги билан ўтган йилнинг 15 апрелида 827-сонли шартнома тузилган. Аммо унда банк реквизитларини кўрсатишни «эсдан чиқариб» қўйишган. Бундай хато “Тўхтан ота”, “Нодир Тиллабоев” фермер хўжаликлари билан тузилган шартномаларда ҳам такрорланганига нима дейсиз?!

Шунингдек, мазкур жамият билан “Тақдим” ишлаб чиқариш шўъба корхонаси ўртасида ўтган йилнинг 26 июл куни 30.000000 сўмлик, “Рапиқ” МЧФ билан эса 62,6 миллион сўмлик, Наманган савдо корхонаси билан 56,1 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилган. Бу, албатта, яхши. Лекин киши эътиборини тортадиган томони шундаки, тузилган шартномаларда етказиб бериладиган маҳсулот миқдори ва нархлари қайд этилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

(Давоми иккинчи бетда)

Dakki

“ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРИЛСИН...”

ёхуд пуч даъводан натижа чиқмайди

Тараққиёт ҳамиша тезкорликни талаб қилади. Ҳаётда иқтисодий тараққиётга йўлига ғов бўлаётган тўсиқлар йўқ эмас. Мансаб ваколатидан фойдаланиб, тайёр ошга баковуллик қилиш истаги адолатпарварлик, ҳаққонийлик тамойилига путур етказади. Қолаверса, айрим мутасаддилар томонидан тадбиркорнинг маблағига асоссиз равишда аралашиш иллати бориб турган қонунбузарликнинг ўзидир.

“Турон” акциядорлик тижорат банкининг Нукус бўлими мутасаддилари бу ҳақиқатни унутиб қўйишди. Тўғри, аввалига банк бўлинмаси дастлаб “Соҳиб Жамол” масъулияти чекланган жамияти (илгариги “Агросаноатсавдо” корхонаси)га шартнома асосида беминнат хизмат кўрсатиб келаётган эди. Аммо кейинчалик банк маъмурияти зиммадаги масъулиятни нотўғри ҳис этиб, ўзгаларнинг пул маблағини ўзлаштира бошлади. Аниқроғи, банкнинг масъул ходимлари “Соҳиб Жамол” масъулияти чекланган жамиятини банкдан акциялар сотиб олди қилиб кўрсатиб, унинг ҳисоб рақамидаги 1.000.000 сўм пулни ўз ҳисобларига ўтказиб олади. Энг қизиғи, бу жараён “Соҳиб Жамол” корхонаси рухсатисиз, яъни корхона раҳбари ва бош ҳисобчилари имзоларисиз, корхона муҳри босилмаган ҳолда, ноқонуний тўлдирилган 001-сонли тўлов топшириқномаси орқали амалга оширилади. Натижада мазкур “чув тушириш” операциясидан норози бўлган “Соҳиб Жамол” жамияти раиси Ж.Медетов йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолати тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига ариза билан мурожаат этди.

Республика хўжалик суди вазирликнинг даъво аризасига биноан иш моҳиятини ўрганиб чиқди. Ўрганиш асносида тижорат банкининг Нукус бўлими ва “Соҳиб Жамол” масъулияти чекланган жамияти ўрталарида 1000 дона банк акцияларини сотиб олиш бўйича олди-сотди шартномаси ва унга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар йўқлиги, акцияларнинг корхона балансига киритилмаганлиги маълум бўлди. Судья М.Бобожонов раислигида чақирилган суд мажлиси ушбу ҳолатлар ва асосий даъвогарнинг банкдаги ҳисоб варағидан олинган кўчирма, ноқонуний тарзда тўлғазилган 001 сонли тўлов топшириқномаси ҳамда шу хилдаги ишга алоқадор бошқа ҳужжатларга, иштирокчилар берган маълумотларга таяниб, вазирликнинг даъво аризасини қаноатлантириш, Вазирлар Маҳкамасининг “**Нақд пул айланмасини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги қарорининг тегишли бандлари асосида жавобгардан “Соҳиб Жамол” масъулияти чекланган жамияти фойдасига 1.276.812 сўм миқдорида жарима ундириш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилди.

Лекин банк мутасаддилари айбдорлик борасида хатоларини тан олиш ўрнига жаҳл отига миниб, қилдан қийиқ ахтариш йўлига ўтишди ва суднинг ҳал қилув қарорига норозилик билдириб, хўжалик суди номига апелляция тартибида ариза йўллашди.

Даъвогар ўз аризасида 1.276.812 сўм миқдоридаги жарима ғайриқонуний равишда солинганлигини, борди-ю, қонуний бўлганда ҳам, у корхона фойдасига эмас, балки давлат ҳисобига ундирилиши лозимлигини таъкидлади ва шуларга кўра, суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўради.

Албатта, бу апелляция шикояти қонуний тартибда Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди томонидан кўриб чиқилди. Суд мажлисида “Соҳиб Жамол” маъсулияти чекланган жамияти раиси Ж.Медетов банк бўлинмаси ўзгалар маблағи тақсимотига қонунга хилоф тарзда аралашганлигини, банк раҳбарияти корхона даъвосидан кейингина акцияларни сотиб, уларга тегишли маблағни қайтариб беришга ваъда қилганлигини, бироқ орадан уч йилча вақт ўтган бўлишига қарамасдан, ҳозирга қадар ваъда ваъдалигича қолиб кетаётганлигини билдирди.

Қонун ҳукми — ҳақ. Қонун сийлаганни сийлайди. Янги таркибдаги суд ҳайъати иш мазмунидан келиб чиқиб, тижорат банки Нукус бўлимининг аризасини қаноатлантирмасликни, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Шундай экан, “Турон” акциядорлик тижорат банкининг Нукус бўлими маъсул ходимлари ноқонуний тортишувни талашишни бас қилиб, адолатнинг ойдин йўлини мардона тан олиши лозим.

Азамат БОЙМУРОТОВ,
ҳуқуқшунос
Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Iftixor

УФҚЛАРНИ КЎЗЛАГАН КАРВОН

Президентимизнинг яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи қўшма мажлисидаги маърузасини телевидиние орқали ҳаяжон билан тингладим. Чунки Юртбошимиз маърузасида халқимизнинг бугунги куни ва келажагига бевосита дахлдор стратегик мақсадлар ўзининг теран ифодасини топган.

Мен мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ биринчилардан бўлиб фермер хўжалиги ташкил этган эдим. Дастлаб бу янги ишни ўзига хос қийинчиликлари ҳам бўлди. Лекин вақт ўтиши билан иқтисодимиз мустаҳкамланиб, кўп тармоқли бақувват хўжаликка айландик. Президентимизнинг бевосита эътибори ҳамда яратилаётган мустаҳкам ҳуқуқий асослар фермерликни барқарор ривожланишини таъминламоқда.

Шу боис ҳам мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти, фермерлик ҳаракати иқтисодимиз таянчи, фаровон турмуш манбаига айланиб бормоқда. Мулкдорнинг ҳақ-ҳуқуқи, мавқеи, жамиятда тутган ўрни тобора юқорига кўтарилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда фермер ва тадбиркорлар улуши кундан-кунга ортиб бораётганлиги ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Энг муҳими, бугун одамларнинг ерга, мулкка нисбатан қараши ўзгарди. Аниқроқ айтганда, бугун фермер ҳам, деҳқон ҳам кечаги оддий кетмончи эмас. Балки у ердан оқилона, авайлаб-асраб фойдаланиш лозимлигини, эртага бу ер ўзининг авлодларига мерос бўлиб қолишини, уларни ҳам боқиши кераклигини яхши билади. Экин майдонларининг мелиоратив шарт-шароити йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда, бу соҳада янгидан-янги замонавий техника ва технологиялардан фойдаланилаётгани ҳозирнинг ўзидаёқ кутилган натижани бермоқда. Биз ҳам ўтган йили лизинг асосида машина-трактор саройимизни янги техника билан тўлдирдик. Қолаверса, ҳисоб рақамимизда ҳам меҳнатимизга яраша маблағ бор.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш жоизки, бугун давр шитоб билан илгариламоқда. Тўғри, ҳамманинг ҳам яхши яшагиси келади. Лекин яхши яшаш учун яхши ишлаш кераклигини унутиб қўймаслигимиз керак.

Илгари гувала, хом ғиштдан қурилган уйлар энди одамларни, айниқса, ёшларни қониқтирмай қўйди. Қишлоғимизда бирин-кетин бири-биридан ҳашаматли, чиройли уй-жойлар қад ростлаётганини кўриш кишига завқ бағишлайди. Пишган ғишт танқислиги сезилиб қолди. Қурилиш кўп, пишиқ ғишт корхоналари эса туманимизда бир-иккитани ташкил этади, холос. Шунинг учун ҳам биз ана шундай корхона қурилишини бошладик.

Ҳамқишлоқларимнинг дастурхони бугун тўкин-сочин. Ҳатто қишлоқнинг энг чекка хонадонларига ҳам киши кўрса ҳавас қиладиган рангли телевизор, компьютерлар кириб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси ҳалол меҳнат, пешона тери ва деҳқоннинг манфаатини амалдаги қонунчилик ҳимоя қилаётганига бориб тақалади.

Мамлакатимиз раҳбари Оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашувда фарзандлар тарбияси масаласига алоҳида тўхталиб ўтди. Бу бежизга эмас. Чунки фаровон ҳаётимиз, тўкин дастурхонимизни кўролмаётганлар бор. Улар турли ниқоблар кийиб, бизнинг осуда осмонимизни, тинч хонадонимизни бузишга ҳаракат қилмоқдалар. Шундай экан, биз бугун эришаётган ютуқларимизга маҳлиё бўлиб қолмай, обод диёримизнинг эртаси бўлган фарзандларимиз тарбияси билан ҳам жиддийроқ шуғулланишимиз, уларни ёмон ниятли, бадкирдор кимсалар қўлига бериб қўймаслигимиз керак ва шарт, деб ўйлайман.

Қисқаси, Юртбошимиз томонидан ҳаммамиз учун аниқ вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига масъуллиги. Ўқитувчиларнинг ўқувчилар таълими учун жавобгарлиги. Маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг зиммаларидаги масъулият. Энди деҳқончасига айтадиган бўлсак, енг шимариб, қўлни-қўлга бериб ишга киришиш керак.

Абдурашид АБДУРАҲМОНОВ,
“Камолот” фермер хўжалиги раҳбари
Бука тумани

Табиат ҳам ер-сувнинг қадрига етмаганга саховат қилмайди. Ерни эъзозлагандан эса борини аямайди. Қарабсизки, ўша уйда, ўша хўжаликда, борингки ер билан яхши муносабатда бўладиган ҳар қандай жойда фаровонлик бўлади. Ерга меҳр берганларнинг оғилида қатор-қатор моли, омборида қоп-қоп дони бор. Қишин-ёзин қорни тўқ. Меҳнатдан қочганлар эса ҳамиша ҳаёт қийинчиликларидан нолиб юрадилар.

МЕҲНАТИДАН РОЗИ ОДАМЛАР

Ана шундай ҳалол меҳнати орқали табиат саховатидан фойдаланаётганлардан бири пойариқлик тадбиркор Олим Жонхўрозовдир. У бундан икки йил илгари П.Нурманов номли ширкат хўжалиги ҳудудидан 32 гектар ер олиб, “Қуроқмат замини” номли фермер хўжалиги тузганди. Ўтган деҳқончилик йилида фермер хўжалиги аъзолари 16 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириб, давлатга 53 тонна пахта сотишди. Давлатга буғдой сотиш режасини эса 36 тонна ўрнига 48 тоннага етказиб, бу борадаги режани 130 фоизга уддалашди. Давлатга сотилган пахта хом-ашёсининг 33 тоннаси юқори наварга топширилиб, хўжаликнинг рентабиллик даражаси 38 фоизни ташкил этди. Биргина пахтанинг ўзидан 13,5 миллион сўмдан зиёд даромад олинди. Фермер хўжалигига қоладиган пахта ёғи, шелуха ва кунжара маҳсулотлари бу ҳисобга кирмайди.

— Бугун ишлаш учун шундай қулай имконият яратиб берилаётган экан, биз нима учун меҳнат қилмайлик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари. — Юртимиздаги сингари қулай иқлим, ҳосилдор замин дунёнинг ҳеч бир ерида йўқ. Агар баҳорда ерга қуруқ чўпни суқиб қўйсангиз, кузга бориб шиғил ҳосил беради. Фақат ернинг юрагига қулоқ солиб, тадбиркорлик билан иш юритиш керак. Ўтган деҳқончилик йили жамоамиз деҳқонлари учун омадли келиб, йил бўйи қилинган меҳнатимизнинг самарасини кўрдик. Ишлаб чиқариш режаларимиз ортиғи билан уддаланиб, ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги ортди ва ойлик иш ҳақига қўшимча 20-25 минг сўмдан даромад олишди. Шунингдек, фермер хўжалигимизда меҳнат қилаётган механизатор, сувчи ва ишчиларимиз оиласининг ҳар бирини 500 килограммдан буғдой билан таъминлаб, хўжалигимиз аъзоси Азамат Абдураҳмоновнинг уйланиш ва яна 5 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйларини ўтказиб бердик. Айни пайтда Челак шаҳридаги А.Икромов маҳалласида жойлашган “Бинафша” болалар боғчасини ўз ҳомийлигимизга олиб, боғчани озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқдамиз...

Ҳа, ер хазина, меҳнат унинг калити, деб бекорга айтилмаган. Деҳқоннинг бахти ҳам, омади ҳам, топган тутгани ҳам меҳнатдан. У ерга меҳрини бера олсагина, даромад қилади, шу қилган меҳнатига яраша ризқ-рўзини топади. “Қуроқмат замини” фермер хўжалигининг юртимизда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ва одамларни иш билан таъминлаб, қишлоқда янги ишчи ўринларини яратиш борасида қилаётган саъй-ҳаракатлари хусусида кўп ва хўп гапириш мумкин. Юрт маъмурчилигини таъминлашда уларнинг ҳали кўп режалари ҳам бор...

Рўзимурод
ТУРСУНОВ,
журналист

Qonun ko`magi

ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Ҳаётимизда ҳуқуқий муносабатлар тобора шаклланиб бораётган экан, ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билган, қонунларга оғишмай амал қиладиган оддий фуқаро ҳам, тадбиркор ҳам ҳеч қачон кам бўлмайди.

Бу фикрга бугунги ҳаётимиздан жуда кўп мисол келтириш мумкин. Хусусан, Қўрғонтепа туманидаги “Ниҳол-2” фермер хўжалигининг бошлиғи Юсуфжон Абдуллаевнинг ҳам амалдаги қонунларга суяниб иш юритиши ҳаётий эътиқодига айланган. У фермер хўжалигининг ишини юргизишда, етказиб берган маҳсулоти учун ҳақ ундиришда қонунга таяниб иш кўриб, фақат фойда кўряпти.

Масалан, у раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги 2003 йилда Қўрғонтепа пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятига 22 тонна 565 килограмм пахта хомашёси етказиб берди. Контрактация шартномаси шартларига кўра, пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти етказиб берилган пахта хомашёси қийматининг 80 фоизини ўз вақтида ҳисоб-китоб қилган.

Бироқ ҳиссадорлик жамияти томонидан шартномага зид равишда етказиб берилган маҳсулотнинг қолган 20 фоизи қиймати, яъни 947.500 сўм миқдоридаги маблағ тўланмаган. Ваҳоланки, шартноманинг 2,2 бўлимида **“маҳсулотнинг 20 фоизлик қиймати бўйича ҳисоб-китоблар 2004 йилнинг 1 август кунига қадар амалга оширилади”** деб белгилаб қўйилган эди.

“Ниҳол-2” фермер хўжалиги ва ҳиссадорлик жамияти ўртасида тузилган контрактация шартномасининг 4,3 бандида эса **“тайёрловчи етказиб берилган маҳсулот ҳақини ўз вақтида тўлашдан бош тортса, тўлашдан бош тортилган маблағнинг 15 фоизи микдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, тайёрловчи тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайди**”, дея қайд этилган.

Ана шуларга кўра, Юсуфжон ака ҳақини ундириб беришини сўраб, вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Бошқарма томонидан унинг манфаатларини кўзлаб, вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Қизиқ томони шундаки, фермер хўжалиги раҳбари ҳақини ундириб беришни сўраб, адлия бошқармасига мурожаат қилгач, пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти мутасаддилари асосий қарзни дарҳол тўлашди.

Шунинг учун вилоят хўжалик суди фермер хўжалиги фойдасига 170.550 сўм пеня ундириб берди. Асосий қарз тўлангани учун жарима ундириш рад этилди.

Агар мутасаддилар зиммаларидаги масъулиятни ўз вақтида адо этишганида, ортиқча сарсон-саргардонлик, қоғозбозликка ҳожат қолмасди.

Энди ўтган 2004 йилга келсак, бу йилда ҳам фермер хўжалиги 18 тонна ўрнига 24,5 тонна пахта, 4 гектар майдондаги буғдойдан ҳар гектаридан 40 центнер ўрнига 65 центнердан дон топшириб, шартнома мажбуриятларини бажарди.

Фермернинг ҳисоб рақамига 2004 йил 1 ноябр кунига қадар етказиб берилган пахта ҳосилининг 80 фоизи учун 2 миллион 900 минг сўм ҳақи тушиши керак эди. Чунки контрактация шартномасига кўра, бу маблағ 7 кун ичида тўланиши лозим эди. Фермер Юсуфжон ака пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятини ҳақини тўлаш ҳақида бир неча марта огоҳлантирди. Лекин тўланмади. Солиқ идораси эса тўланмаётган солиқнинг ҳар бир куни учун пеня ундира бошлади.

Фермер хўжалиги раҳбари эса яна адлия бошқармасига, вилоят хўжалик судига мурожаат қилади. Буни қарангки, шундан сўнг яна аввалги ҳолат такрорланди. Яъни пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти қарзини тўлашга тушди. Демак, қонун ўз таъсирини кўрсатди.

— Ҳақ-ҳуқуқини билган одам ҳеч қачон кам бўлмайди, — дейди фермер Юсуфжон Абдуллаев. — Баъзи фермерлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб мутасадди идораларга мурожаат қилишни ҳам билмаяпти. Албатта, аввало, ўз бурчимиз, яъни контрактация шартномасини бажариш вазифамиз. Ундан сўнг ҳақимизни ундиришда қонун ҳамиша биз тарафда бўлаверади.

Назаримда, фермер ҳақ гапни айтди: қонунни билган, унга амал қилган ҳеч қачон кам бўлмайди.

Илҳомжон
ЭГАМНАЗАРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Ajab savdolar

ШАРТНОМА ВА МАЖБУРИЯТ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ўрни келганда яна шуни айтиш жоизки, жамият билан 2004 йилда пахта хомашёси етказиб бериш юзасидан тузилган контрактация шартномаларининг 4.4-бандида **“хўжаликка” етказиб берган маҳсулот қийматининг 80 фоизлиги ҳисобидан бўнак ҳамда терим учун берилган пуллар ва бошқа харажатлар чегирилганидан қолган қисми маҳсулот топширилгандан сўнг 7 кун ичида тўлаб берилади**”, деб кўрсатилган. Хўш, шартноманинг бу шарти амалда қандай бажарилди? Ўтган йилнинг 13 декабр ҳолатига кўра, “Чортоқ тола” ҳиссадорлик жамияти қабул қилиб олинган пахта хомашёсининг 80 фоизли қиймати ҳисобидан 202.140 минг сўм қарз.

Масалан, Навоий ширкат хўжалигидан 52.769.000 сўм, “Ойқирон” ширкат хўжалигидан 14.244.000 сўм, “Фарғона” ширкат хўжалигидан эса 11.974.000 сўм миқдорида қарзлари мавжуд. Фермер хўжаликлари ҳисобидан ҳам қарздорлик катта миқдорни ташкил этади.

Бу ўринда Президентимизнинг 1998 йил 4 мартдаги “**Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларни жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида**”ги Фармони талаблари қўпол равишда бузилганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Энг ёмони, жамиятнинг кундан кунга дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ошиб боряпти. Мисол учун “Чортоқ тола”нинг “Умр” масъулияти чекланган жамиятида 1.900.000 сўм, “Темирчи” кичик корхонасида 515.300 сўм, “Мақсад” хусусий фирмасида 1.492.616 сўм пули ўтган йилнинг январ ойидан буён «музлаб» турибди. Хусусий тадбиркор Муталиевнинг 7.500.000 сўм, “Чарос Г” масъулияти чекланган жамиятнинг 715.000 сўм, Уйчи йигирув-тўқув фабрикасининг 3.000.816 сўм маблағи эса бир йилдан буён жамияти зиммаси «осилиб» ётибди. Бу қарзларни ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишни эса жамият мутасаддилари хаёлларига ҳам келтиргани йўқ.

Вилоят адлия бошқармаси юқорида қайд этилган шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардаги жиддий хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўтган йил 16 декабр куни “Чортоқ тола” пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти раиси З.Турғунов номига тақдимнома киритган эди. Яқинда мазкур тақдимнома юзасидан жавоб хати олинди. “**Жамиятнинг ўтган йил 28 декабр куни бўлиб ўтган йиғилишида**, — дейилади жавоб хатида, — **тақдимнома атрофлича муҳокама қилинди. Жамият ҳисобчиси Т.Иномов ва иқтисодчиси И.Исроиловга МК-181-моддасига асосан ҳайфсан эълон қилинди. Келгусида шартномавий муносабатларни ўрганиш тўғрисида барча чоралар белгиланди. Хўжаликлар ва фермер хўжаликлари етказиб берган пахта хом ашёсига 80 фоиз ҳисобидан келган пулларни дарҳол ўтказиб берилмоқда”.**

Албатта, бундай муаммолар бугун бўлмаса, эртага барибир ўзининг қонуний ечимини топади. Бироқ кишини ўйлантирадиган томони шундаки, баъзи бир ташкилот мутасаддилари мавжуд муаммони ҳал этиш учун четдан кимдир аралашишини кутиб туришади.

Ҳолбуки, улар зиммаларидаги масъулиятни ўз вақтида адо этишса, ҳеч қандай сансоларликка ўрин қолмайди.

Илҳомжон ИСМОИЛОВ,
ҳуқуқшунос
Маъмур МУСУЛМОНОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Taassuf

ҚИММАТГА ТУШГАН ЎЗБОШИМЧАЛИК

“Атлас” савдо тижорат ишлаб чиқариш (СТИЧ) фирмаси Тошлоқ туманининг Якковут қишлоғида жойлашган. Номидан кўриниб турибдики, фирма атлас тўқиш ва савдо-сотиқ фаолияти билан шуғулланади. Аввалига фирма ўз фаолиятини бинойидек давом эттираётганди. Бироқ кутилмаганда унинг ишларига путур етди.

Хўш, бунга нима сабаб бўлди?

2004 йилнинг 22 марти ҳам одатдаги иш кунларининг бири эди. Ўша куни тушликдан сўнг фирмага туман электр тармоқлари корхонаси бош муҳандиси А.Темиров, электромонтёр С.Валиева, Якковут қишлоқ фуқаролар йиғини раиси У.Мамарасулов кириб келишди. Табиийки, улар биринчи галда фирма раҳбари Р.Жўрабоевни сўрашди. Бироқ ишчилар М.Жўраева ва М.Каримова меҳмонларга бошлиқ иш юзасидан қаёққадир кетганини айтишгач, нурчилар ҳе йўқ, бе йўқ электр тармоғидан узиб, изларига қайтишди. Ҳа, дарвоқе, улар кетишдан аввал бу хусусда далолатнома тузишни ҳам унутишмади.

Албатта, Р. Жўрабоев бу воқеадан хабар топгач, унинг сабабини билиш учун туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари С.Эргашевга учради. Аммо С.Эргашев унинг электр тармоғини улаш ҳақидаги илтимосини рад этди. Эмишки, фирма фойдаланаётган электр токи истеъмол қувватидан ошиб кетган ва бу маҳалла аҳолиси манфаатларига зиён етказаётган экан. Токи маҳалла аҳлининг розилиги олинмаганга қадар фирмага электр токи берилмасмиш.

Аслида, электр тармоқлари корхонаси раҳбари келтирган бу важлар асоссиз эди. Чунки корхона муҳандиси А.Темиров ва электромонтёр С.Валиев фирмани электр тармоғидан узаётиб, электр ҳисоблагични кўздан кечириб ҳам кўришмаган. Қолаверса, туман электр тармоқлари корхонаси билан “Атлас” СТИЧ фирмаси ўртасида 2001 йил 3 декабрда тузилган 130-сонли шартноманинг 3.11-бандига мувофиқ корхона фирмани 5 йил давомида, яъни 2006 йил 3 декабргача электр энергияси билан таъминлаш мажбуриятини олган эди. Фирма раҳбари Р.Жўрабоев ўзаро ҳамкорликнинг ана шундай қонуний томонларини тушунтиришга ҳар қанча уринмасин, барибир С.Эргашев ҳеч нарсани тан олишни истамади.

Ўрни келганда яна шуни айтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июнда қабул қилинган қарорининг 142-бандида **“Электр энергияси билан таъминловчи ташкилот электр энергиясини электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига шартномада кўрсатилган миқдорда етказиб бериш; электр энергияси истеъмолчисини электр тармоқлари режали таъминланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 сутка олдин огоҳлантириш; электр энергияси беришнинг режадан ташқари тўхтатилиши сабаблари ҳақида хабар қилиш; электр энергиясининг истеъмолчисига энергия билан таъминловчи ташкилот ва истеъмолчи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш мажбуриятини олади”,** дея қайд этилган.

Тошлоқ туман электр тармоқлари корхонаси Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори талабларига зид равишда фирма раҳбарининг иштирокисиз, электр энергияси беришни тўхтатиш тўғрисида фирмани огоҳлантирмай, электр тармоғини узиб қўйган. Бунинг устига қайси қонун ёки меъёрий ҳужжатга асосан узилганлигини кўрсатмасдан ноқонуний равишда далолатнома тузган. Натижада фирма манфаатларига жиддий зиён етган.

Шундан сўнг фирма раҳбари Р.Жўрабоев бой берилган фойдани ундириб беришни сўраб вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Вилоят адлия бошқармаси унинг мурожаатини атрофлича ўрганиб чиққач, вилоят хўжалик судига фирма манфаатларини кўзлаб даъво аризаси киритди.

Шуни айтиш жоизки, Фуқаролик кодексининг 477-моддасида **“Энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда энергия билан таъминловчи ташкилот ёки истеъмолчи шу туфайли етказилган ҳақиқий зарарни қоплаши шарт”,** деб белгиланган.

Тошлоқ туман Давлат солиқ инспекциясининг 2004 йил 13 июн кунги 13-2026-сонли маълумотномасида қайд этилишича, фирманинг 3 йиллик даромади 9.481.300 сўмни ташкил этган. Шу сабабли вилоят хўжалик суди ушбу даромад суммасидан келиб чиқиб, фирмага электр энергияси берилмаган 5 ой давомида бой берилган фойдани 1.316.850 сўм миқдорида ҳисоблашни лозим топди ва ана бу маблағни туман электр тармоқлари корхонаси ҳисобидан “Атлас” СТИЧ фирмаси фойдасига ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Шу тариқа муаммо ечимини топди. Туман электр тармоқлари корхонаси раҳбарлари амалдаги қонунларни, икки ўртада тузилган шартнома мажбуриятларини менсимасдан ўзбошимчалик қилишганди. Бу ўзбошимчалик уларга қимматга тушди.

Энди корхонадагилар етти ўлчаб бир кесган ҳолда иш юритишса, ажаб эмас.

Анваржон ТЎРАЖОНОВ,
ҳуқуқшунос
Хуршид СУЛТОНОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Muloqot

«СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!»

— Тузилган шартномага биноан биз ҳар доим истеъмолчига керакли маҳсулотларни етказиб берардик. Аммо бир йили об-ҳаво ноқулай келганлиги туфайли кўзланган режани бажаролмадик. Лекин бу ҳақда олдиндан истеъмолчини хабардор қилиб қўйгандик. Яъни комиссия тузиб, улар иштирокида далолатнома ёзиб, уни тақдим этган эдик. Шунга қарамасдан истеъмолчи бизга берган ерни қайтариб олиш ҳамда кўрилган моддий ва маънавий зарарни ундириб олиш учун судга даъво аризаси билан мурожаат қилди. Шу тўғрими? Ахир, биз уни олдиндан огоҳлантириб, қолаверса, махсус тузилган комиссия иштирокида ёзма далолатнома ҳам тузиб берганмиз-ку. Биз энди қандай йўл тутишимиз керак?

F.ТОШМАТОВ,
Шеробод тумани

Бу саволга ҳуқуқшунос С. НИЁЗОВА шундай жавоб беради:

— Бу саволга жавобан шуни айтиш жоизки, Фуқаролик кодексининг 333-моддасида мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари ҳақида сўз юритилиб, ушбу моддада ўртада тузилган шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлик масаласи назарда тутилган. Жумладан, “**қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги учун ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради. Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларини кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади.**

Айбнинг йўқлиги мажбуриятни бузган шахс томонидан исботланади.”

Башарти, қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга етиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади. Қарздорнинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, қарздор зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги бундай вазиятлар сирасига кирмайди.

«Мажбуриятни қасддан бузганлик учун жавобгарликни бартараф қилиш ёки чеклаш тўғрисидаги аввалдан келишилган битим у тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмас».

Ушбу моддага асосан сиз мажбуриятни бузмаганлигингизни ва олдиндан комиссия тузиб далолатнома ёзганлигингизни исботлай олсангиз, айбсиз деб топиласиз.

Бунинг учун сиз ҳам даъво аризаси билан судга мурожаат қилишингиз мумкин.

Istiqlol va imkoniyat

ЖАМИЯТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ СТРАТЕГИЯСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ҳокимият тизимида суд мустақиллигига, умуман айтганда, бу борада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришиш учун, аввалambor, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган шахсий, турар жой дахлсизлиги, ёзишмалар ва телефон сўзлашувлари сир сақланиши каби шахснинг дахлсиз ҳуқуқ ва эркинликларидан суднинг қарорисиз маҳрум этилмаслиги ёки уларни чеклаб қўйилмаслигига эришишни кафолатловчи ҳуқуқий механизмни яратиш бугунги куннинг мантиқий талаби деб қараш жоиз. Шу нуқтаи назардан қарағанда, бу масалани ҳал этишдаги энг тўғри йўл-йўриқ прокуратура идоралари ваколатларидаги процессуал мажбурлов, жумладан, эҳтиёт чораси тариқасида шахсни қамоққа олиш, тинтув, телефон орқали сўзлашув, почта-телеграф орқали жўнатилган хат-ёзишмалар, бондеролларига банд солиш билан боғлиқ ва бошқа баъзи бир тергов ҳаракатларини амалга оширишда санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш масаласи ҳал этилиши лозим. Бу эса ўз навбатида Жиноят процессуал кодексидаги меъёрларни сезиларли даражада ўзгартириш, қўшимча киритиш, тўлдиришни тақозо этади. Бунинг натижасида дастлабки тергов ёки судгача бўлган жараён устидан суд назорати ўрнатишга, энг муҳими, дунёнинг ривожланган давлатлардаги сингари том маънодаги одил судлов жараёнини амалга оширишга имкон яратади. Шунингдек, тергов ва суднинг бир-биридан **мутлақо мустақил** равишда фаолият кўрсатиши керак, деган эски амалиётга барҳам берилиб, суд одил судловнинг олий нуқтаси экани билан боғлиқ қонуний жараён юзага келади.

Албатта, ушлаб туриш, ҳибсга олиш, умуман олганда, бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллашда судлар томонидан санкция берилишига эришишда Жиноят-процессуал кодекси ёки бошқа қонунлардаги меъёрларни ўзгартириш йўли билан осонликча ҳал этилади, деб ҳам тушунмаслик керак. Ушбу жараён ташкилий-ҳуқуқий масалаларни пухта ва жиддий тарзда ишлаб чиқиш, айниқса, жиноят ишларини кўришга ихтисослаштирилган суд идоралари, судьяларнинг фаолияти билан боғлиқ суриштирув, тергов, прокуратура идораларининг ўзгаришларга мослаштириш юзасидан бир қатор тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни тақозо этади. Бу эса муайян бир муддатни талаб этади. Чунки жиноят ишлари бўйича айрим тергов ҳаракатларини амалга оширишда суд томонидан санкция бериш институти давлатимиз жиноят процессуал ҳуқуқи фанида ҳам, суд амалиётида ҳам муҳим янгилик ҳисобланади. Аниқроқ айтганда, бу борада ҳали амалий тажрибага эга эмасмиз. Шунинг учун ҳам бу жараённи бир маромда, камчиликсиз амалга ошириш учун асосий эътиборни дунёнинг тараққий этган давлатларининг суд амалиёти ва қонунчиликларини ўрганиб, таҳлил қилиш; олимлар ва мутахассисларнинг ўзаро фикр алмашуви, масаланинг илмий-амалий жиҳатларини чуқурроқ ўрганиш учун имкон қадар хорижлик экспертларни таклиф этган ҳолда суд, прокуратура, тергов идоралари ходимлари иштирокида минтақалараро конференция, семинар, тренинг ва бошқа тадбирлар ўтказишни режалаштириш, конференция ёки семинарлардаги маърузаларни алоҳида тўплам тарзида чоп этиб, суд тизимидаги идораларга тарқатиш, бу йўналишда илмий-амалий жиҳатдан батафсил асослантирилган тадқиқотлар кўламини кўпайтириш; қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича тегишли таклифларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш; судьяларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш; минтақалардаги суд идоралари иш ҳажмини таҳлил қилган ҳолда судьялар, суд ходимларини сон жиҳатдан кўпайтириш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий жараённи амалга оширишни ҳал этиш лозим, деб ўйлаймиз.

Иккинчи бир масала — ўлим жазосини Жиноят кодексидаги жазо тизимидан чиқариб ташлашни ҳал этиш учун ҳам икки-уч йиллик вақт мобайнида ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишга тўғри келади. Бошқача айтганда, ўлим жазосига мораторий қўллаш, яъни суд амалиётида ўлим жазоси берилишини сақлаган ҳолда фақат унинг ижросини кечиктириш хусусида эмас, балки бу жазони Жиноят кодексида бутунлай чиқариб ташлаш тўғрисида бош қотириш лозим. Албатта, ўлим жазони бекор қилиш масаласини ҳал этиш жараёнида халқимизнинг менталитети, дунёқараши ва ўзига хос жиҳатларини инобатга олмай иложимиз йўқ. Бу борадаги биринчи навбатдаги энг муҳим вазифа — жамоатчилик ўртасида кенг кўламда тушунтириш ишларини олиб боришни йўлга қўйиш зарур. Яъни аҳолига ўлим жазосидан воз кечиш сабабларининг мазмун-моҳиятини чуқур тушунтирилиши, олимлар, мутахассислар аҳолининг барча қатламлари орасига кириб бориб, ташвиқот ишларининг кўламини кенгайтириб, халқимизнинг фикрини батафсил ўрганиш орқали хулоса ясаш лозим. Шунингдек, бу борада хорижий давлатлар қонунчилигини мукаммал ўрганиб таҳлил қилиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Ушбу масала етилиб келган бўлсада, уни ҳал қилиш учун давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **камида икки-уч йил вақт керак бўлади.** Чунки ўлим жазоси ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли жазони ўташга ҳукм қилинган шахсларни алоҳида сақлаш учун муассасалар қуриш учун маълум вақт ва сарф харажатлар зарур.

Яна шуни айтиш керакки, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёнида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари масъулиятини янада кучайтириш лозим. Нега деганда, суд идораси ходимларининг профессионал ва фуқаролик бурчи, ўз вазифасини ҳалол ва сидқидилдан бажариши энг аввало, ҳокимият идоралари обрўсини ошириш баробарида халқимизнинг суд ҳокимиятига нисбатан ишончини янада ортишига хизмат қилади. Бу борада ҳам ислоҳотлар жараёнини янада чуқурлаштириш, айниқса, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, уларнинг қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, олий ўқув юрти даргоҳларида билим олаётган ёшларнинг дунёқараши ва ҳуқуқий тафаккурини янада юксалтириш, миллий ғоя ва мафкурани теран англайдиган комил инсон этиб шакллантиришда бор имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш зарур.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ислоҳотлар кўламини кенгайтириш билан боғлиқ Юртбошимизнинг Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида баён этган дастурамал ғоялари, фикр-мулоҳазалари, аниқ таклифларини амалга оширишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқиб ҳаётга жорий этишга эришсак, мамлакатимизни модернизация қилиш, давлатнинг янада юксалиши борасидаги ислоҳотлар янада янги босқичга кўтарилади деб ўйлаймиз.

Мавжуда РАЖАБОВА,
юридик фанлар доктори

Qonun sharhi

ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ: КАФОЛАТЛИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Шуни айтиш жоизки, маблағларни шакллантириш фуқаролардан олинадиган даромад солиғининг камайтирилиши ҳисобига амалга оширилади. Содда қилиб айтганда, ходим бу ерда ҳеч нарса йўқотмайди. Яъни у ҳар ойда оладиган маоши миқдори камаймаган ҳолда ҳисобварағига тегишли сумма ўтказилиб борилади. Бу маблағ олинадиган даромад солиғи миқдоридан чегириб қолинади. Ходимнинг маош миқдори қанча юқори бўлса, унинг шахсий жамғармасида тўпланадиган маблағ миқдори ҳам шунча кўп бўлади.

Масалан, сиз ойига ўртача 3000 сўмдан жамғариб келсангиз, бу бир йилда 36000 сўмни ташкил этади. Энди бу рақамини пенсия ёшигача бўлган 18 йил иш стажига кўпайтирсак, 648000 сўмни ташкил этади. Энди фуқаро ўз хоҳишига кўра, бу маблағни бир йўла ёки бўлиб-бўлиб олиши мумкин. Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 21 декабрдаги қарорига асосан 2005 йилдан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига мажбурий ойлик бадаллар, жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқариб ташланган ҳолда иш ҳақи (даромади)нинг бир фоизи миқдорида ўтказиб берилади.

Бундан ташқари, фуқаронинг ҳисобварағига ўтказилган маблағларга фоизлар ҳисоблаб чиқилади ва қўшилади. Албатта, бу ерда пулнинг қадрсизланиш даражаси ҳам инобатга олинади.

Энг муҳими, жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига киритадиган бадаллар миқдори ва муддатларини ўзлари мустақил равишда белгилайди.

3. Жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларни тўлаш.

Мазкур қонуннинг 16-моддасига мувофиқ жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ҳисобварақлардаги маблағларни тўлаш Халқ банкининг филиаллари томонидан амалга оширилади. Пенсия тўловларини олиш белгиланган шаклда бериладиган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида амалга оширилади. Қонунга мувофиқ пенсия олувчи жамғарилган пенсия маблағларини ўз хоҳишига кўра, мустақил равишда белгилайдиган муддат мобайнида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини ҳар ойда ёки бир йўла олиши мумкин.

Ушбу пенсия таъминоти тури давлат пенсия таъминотидан қуйидагиларга кўра фарқ қилади:

— фуқаро вафот этган тақдирда жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўлиқ ҳажмда тўланади. Шунингдек, фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла тўлиқ ҳажмда тўланади;

— жамғариб борилган пенсияни танлаш асосида бўлиб-бўлиб ёки бир йўла олиш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур қонунни қабул қилиниши ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг келажаги учун бугун замин яратишни кафолатлайди. Зеро, мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган жойда манфаатлар тўлиқ ҳимояга олинади.

Сардорбек ТАГАНОВ,
Бахтиёр АМИНОВ,
ҳуқуқшунослар

Mitti maslahat

МАНСАБДОР ВА ЮРИДИК ШАХС КИМ?

Айрим кишилар мансабдор шахс ва юридик шахс тушунчалари мазмун-моҳиятини аниқ билмаслиги оқибатида баъзи бир англашилмовчиликлар ҳам келиб чиқмоқда. Шуни инобатга олиб, қуйида бу ҳақда тегишли тушунтириш беришни лозим топдик.

Қонунчиликка мувофиқ, мулк шаклидан қатъий назар корхона, муассаса, ташкилотга муайян мансабни эгаллаб турган шахс, башарти унга раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текшириш-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазифалар юклатилган бўлса, мансабдор шахс деб ҳисобланади ("Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекс, 15-модда).

Жиноят кодексига бинoан эса мансабдор шахс деганда, ташкилий бошқарув ёки маъмурий хўжалик ваколатлари берилган масъул вазифада ишловчи шахс тушунилади.

Қуйидагилар масъул мансабдор шахслар ҳисобланади:

1. Ҳокимият вакиллари;

2. Давлат корхонаси, муассаси ёки ташкилотларида сайлаш ёки тайинлаш бўйича доимий ёхуд маъмурий хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаб турган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга ошириш ваколат берилган шахслар;

3. Мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари, давлат бошқаруви юзасидан белгиланган тартибда ҳокимият ваколати берилган жамоатчилик вакиллари;

4. Иккинчи бандда назарда тутилган вазифаларни фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларида бажариш билан боғлиқ мансабларни эгалловчи шахслар.

Ўз мулки, хўжалик юритиши ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган, уларни амалга оширадиган, мажбуриятларни бажарадиган, судда даъвогар ва жавобгар бўладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахс мустақил баланс ёки сметага эга бўлиши керак.

Кўриниб турибдики, мансабдор шахс ва юридик шахс тушунчалари мазмун-моҳияти билан бир-биридан фарқ қилади. Буни билиб қўйиш ҳамма учун фойдалидир.

Гўзал ХОДЖАЕВА



Қиш мўъжизаси

Aks-sado

ТАЪЛИМНИНГ АСОСИ – ТАРБИЯ

Мен узоқ йиллардан буён ўрта мактабда ўқувчиларга дарс бериб келаман. Мактаб ўқувчилигимдан бошлаб, ҳозиргача қўлимдан китоб тушмайди. Марказий матбуотда чоп этилаётган турли-туман мавзулардаги мақолалар билан узлуксиз танишиб боришга ҳаракат қиламан. Йўқ, фақатгина ўқитувчи бўлганлигим учун эмас, балки ҳаётимни китобсиз, газета-журналларсиз тасаввур қила олмаслигим учун ҳам ўқийман. Болаларим, ўқувчиларимни ҳам ҳамиша китоб ўқишга, илм олишга даъват қиламан. "Инсон ва қонун" газетаси ҳам менинг доимий ҳамроҳларимдан бири.

Кейинги пайтларда газета саҳифаларида бир қатор баҳсталаб мақолалар чоп этилиб, биз — газетхонларни баҳсга чорлаётганингиз таҳсинга сазовор. Мен **"Муҳокама учун мавзу"** рукни остида берилаётган **"Таклиф, Танқид, Мулоҳаза..."** сарлавҳали икки мақолага нисбатан ўз фикримни билдириш ниятида қўлимга қалам олдим.

Сизларга мактуб йўллашимга сабаб бўлган биринчи мақола, юқоридаги рукн остида берилган **"Китоб ўқиётган бола"** биз — ўқитувчилар орасида ҳам анча баҳс-мунозарага сабаб бўлди. Ушбу мақолани айрим ота-оналарга ҳам кўрсатдим. Уларнинг фикрлари билан қизиқиб кўрдим.

Буни қарангки, кўпчиликнинг фикри муаллиф билан бир жойдан чиқди. Дарҳақиқат, баъзи оталар турли зиёфатлар-у, "ярим"таларга ҳамиша маблағ топади. Шунингдек, айрим оналар ҳам ялтироқ кўйлак кийишда ҳеч кимдан ортда қолмайди. Буни ҳаммамиз, ҳар куни ўз кўзимиз билан кўриб, гувоҳ бўламиз. Лекин негадир фарзандлари учун китоб олишга келганда, замонанинг зайлидан нолиб қоладиди.

Юртчилик, ҳамиша тўй-маъракаларга аралашиб тураман. Одатда, баъзи тўйларда сабзи тўғраш, маслаҳат ошидан бошлаб ичкилик қўйилади.

Бир кунлик тўй ўтиб бўлгач, ойлаб қарз тўлаганларни ҳам кўрганмиз. Лекин бу ичкилик деган балони камайтир, деган билан иш битмас экан. Бўлмаса, оқсоқоллар, маҳалла фаоллари бу масалада гапирмаган куни йўқ ҳисоби. Баъзилар маслаҳат пайтида "хўп-хўп" деб туради-ю, тўй қилганида билганидан қолмайди. Энг қизиғи, айнан мана шундай олифтагарчилик қиладиганлар ҳамиша "қиммат"чиликдан нолиб юришади. "Нега болангга китоб олиб бермадинг" десангиз, "ночор" эканлигини рўкач қилишади. Аслида эса, у ҳеч қандай ночор эмас, аксинча, давлати қўшнисидан кўп бўлса кўпдир, лекин кам эмас.

Тагида машинаси, данғиллама ҳовли жойи, қўрасида мол-қўйи, хуллас, бир оиланинг умргузаронлик қилиши учун ҳамма-ҳамма нарсаси етарли. Фақат фарзандига озгина эътибор, китобга меҳр, илм олишга иштиёқ бўлмайди бундай одамларда.

Тўғри, бугунги ўтиш даврининг ўзига хос қийинчиликларидан ҳам кўз юммоқчи эмасмиз. Лекин бу ўткинчи қийинчиликлар фарзандимизга китоб олиб бермаслигимиз учун баҳона бўлолмайди, ахир. Назаримда, бошқа керак-нокерак нарсаларга топилган пул нега энди фарзандининг келажаги учун зарур бўлган китобга келганда топилмай қолади, деган саволга ҳар биримиз ўз виждонимиз олдида жавоб беришимиз керак. Қолаверса, мақола муаллифи тўғри таъкидлаганидек, бугун мактаб партасида ўтирган ўқувчи, эртага миллатнинг, мамлакатнинг келажаги учун қайғурадиган ҳар томонлама етук ва баркамол мутахассис бўлиб етишиши керак. Бунинг учун унга китоб, илм ва заковат керак бўлади. Мактаб партасида дарслик китоби бўлмаган ўқувчининг эртага бадиий китобга қизиқиши жудаям душвор масала. Шундай экан, биз, катталар — ота-оналар ҳам ўз фарзандларимиз олдидаги, ҳам жамият олдидаги қарзимизни узишимиз, яъни фарзандларимизнинг ўқиб-ўрганиши, илм олиб, етук мутахассис бўлиб етишиши учун уларга ҳар томонлама шарт-шароит яратиб беришимиз керак ва шарт. Баркамол фарзанд тарбияси ота-онанинг ҳам боласи, ҳам ўзи яшаётган жамият олдидаги бурчидир! Одатда эса, бурчни бажармаганларни хиёнаткор, деб аташади. Демак, биз болаларимизга, Ватанимизга хиёнат қилмаслик учун ҳам уларнинг тарбия ва таълим жараёни билан изчил шуғулланишимиз керак!

(Давоми тўртинчи бетда)

Jahon tajribasi

ИШТИРОКЧИЛИКДА СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТ

УНГА НИСБАТАН ҚАНДАЙ ЖАЗО ҚЎЛЛАНИЛАДИ?

Маълумки, бир шахс томонидан содир қилинган жиноятдан кўра, иштирокчиликда содир қилинган жиноят-ижтимоий хавфлилиги даражасининг юқорилиги, етказилган зарарнинг кўплиги билан ажралиб туради. Мамлакатимизда амалда бўлган Жиноят кодексининг 27-30-моддаларида ҳам кўпчилик бўлиб содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик масаласи белгилаб қўйилган.

Бу ўринда ўқувчиларимизда хўш, хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида иштирокчилик учун қандай жиноий жавобгарлик белгиланган, деган савол туғилиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз бугунги мақоламизда дунёнинг турли мамлакатларида иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун қандай жазо чоралари кўрилиши ҳақида сўз юритишни лозим топдик.

Масалан, Англия жиноят қонунчилигида иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жуда жиддий жазо чоралари белгиланган. Жумладан, Англияда амалдаги қонунчиликка кўра, жиноят иштирокчилари ва жиноят содир этишга ёрдам берган шахслар билан биргаликда, жиноятчилар ҳаракатини ёқлаган, хабардор бўлган ҳолда тегишли идораларга хабар бермаган шахслар ҳам иштирокчилар билан теппа-тенг жавобгарликка тортилади.

Дания давлати жиноят қонунчилигининг 31-моддасидан 36-моддасигача бўлган меъёрларида ҳам иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо чоралари белгилаб берилган. Масалан, 31-моддада таъкидланишича, иштирокчиликнинг шакллари қуйидагилардан иборат:

1) Оддий иштирокчилик, уюшган гуруҳ, жиноий уюшма;

2) Жиноятнинг бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилиши;

3) Мураккаб иштирокчилик деб, жиноят содир этишда икки ёки ундан ортиқ шахснинг тақсимланган вазифаларига мувофиқ ҳаракатини амалга ошириш (ташкилотчи, қизиқтирувчи, бажарувчи ва ёрдамчи) тушунилади;

4) Уюшган гуруҳ деб эса, икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг жиноят содир этиш учун тил бириктириб гуруҳга бирлашиши тушунилади;

5) Жиноий уюшма деганда эса, икки ёки ундан ортиқ шахснинг ёки гуруҳнинг доимий равишда оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этиш учун олдиндан тил бириктириб, ташкиллаштирилган ҳолда жиноий ҳаракатлар содир қилишига айтилади.

Дания жиноят қонунчилигининг 33-моддасида таъкидланишича, жиноий гуруҳ ташкил этган ва унга бошчилик қилган шахс шу гуруҳ томонидан содир этилган барча жиноятлар учун тўлиқ жавобгар бўлади. Шунингдек, содир этилган жиноятлар жиноий гуруҳ раҳбарининг мақсади ва қасди билан қамраб олинган бўлса-да, уюшган гуруҳ иштирокчилари олиб борган жиноий фаолиятидан қатъи-назар, барча жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.

Голландия жиноят қонунчилигида эса жиноятни шахсан ўзи ва бошқа шахслар билан биргаликда ёки айбсиз шахсни жиноят содир қилишга мажбур қилган шахслар, шу билан бир қаторда совғалар орқали ваъда бериб, ҳокимият ёки мансабни суиистеъмол қилиб, куч ишлатиб, зўрлик, алдаш ёки қасддан ахборотлаштириб, турли имкониятлар ва воситаларни яратиб жиноят содир қилишга ундаган шахслар ҳам иштирокчи деб топилиши қайд этилган.

Хитойда иштирокчилик учун жиноий жавобгарлик масаласи, бошқа давлатлар жиноят қонунчилигидаги иштирокчилик учун жиноий жавобгарлик масаласидан объектив ва субъектив белгиларига кўра фарқ қилади.

Масалан, бу мамлакат Жиноят кодексининг 25-моддасида иштирокчилик тушунчаси берилган ва унга мувофиқ: **"икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг қасддан содир этган жинояти иштирокчилик, деб тавсифланади.**

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг эҳтиётсизлик орқасидан содир этган жинояти иштирокчилик жинояти деб белгиланмайди. Улар ўзлари содир этган хатти-ҳаракатлари учун қонун бўйича жавоб берадилар".

Шунингдек, Хитой қонунчилигида иштирокчиликда жиноят содир қилган шахслар агар, алдов, дўқ-пўписа ёки қўрқитиш йўли билан жиноят содир қилишга иштирок этган бўлса, уларга нисбатан енгилроқ жазо белгиланади ёки жавобгарликдан озод қилинади.

Шу билан бир қаторда иштирокчиликда содир қилинган жиноятда далолатчи (қизиқтирувчи) шахслар жавобгарлиги алоҳида белгиланган бўлиб, бундай ҳолатда жиноятни содир этишга қизиқтирувчи шахс жиноят содир этувчи билан баб-баравар жазоланади.

Қизиқтирувчи шахс 18 ёшдан кичик бўлса, жазонинг оғирроқ тури тайинланади.

Фақат айрим ҳоллардагина, қизиқтирувчи шахс ўзи қизиқтирган жиноятни содир этишда қатнашмаган бўлса, унга нисбатан енгилроқ жазо тайинланиши ҳам мумкин.

Хорижий давлатлар жиноят қонунчилигидаги иштирокчилик учун жиноий жавобгарлик масаласини кўриб чиқар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айрим давлатлар жиноят қонунчилигида, иштирокчиликнинг турларига, жумладан, бажарувчи, ташкилотчи, ёрдамчи ва қизиқтирувчилар учун рағбатлантирувчи нормалар мавжуд. Бу меъёрлар бевосита дўқ-пўписа, мажбурлаш йўллари билан жиноят оламига кириб қолган ва иштирокчиликда жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жазодан озод қилишни ёки уларга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни белгилаб беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жиноят дунёнинг қайси бурчида содир этилмасин, унга муқаррар жазо бор. У уюшган ҳолда содир этиладими ёки якка ҳолдами, фарқи йўқ. Жиноятчи жазодан қочиб қутула олмайди.

Саломат НИЁЗОВА

Jinoyat va jazo

ДЎКОНДАГИ ФОЖИА

СУД ОЧЕРКИ

Абдуолим уйқудан кўзини очганда, кун аллақачон ёйилиб кетган эди. У ўрнидан эринибгина қўзғалди. Ўзига қолса-ку яна тўшакда қимир этмай ётарди-я, лекин кеча улфатлари билан алламаҳалгача ўтириб, хурмачаси тўлганча ичганидан боши тарс ёрилиб кетгудек бўлиб оғриётганди. У оғриққа чидаёлмай икки қўли билан бошини чангаллаб, гандираклаган кўйи ҳовлига чиқди. Газ плита ёнидаги челакдан косага тўлдириб сув ичди. Чанқоғи босилди-ю, бироқ бош оғриғи қолмади. "Эҳ, қани эди, бир пиёла ароқ ёки бир шиша пиво бўлсайди, жоним ором оларди-да", дея хаёлидан ўтказди у. Дўкондан олай деса, ёнида бир тийин пули йўқ, бировдан сўрай деса, таниш-билишлари унга аллақачон қарз бермай қўйишган.

— Кеча иш топдим, эртадан иш бошлайман дегандингиз. Бугун борасизми ўша ишингизга? — сўради хотини сўрига дастурхон ёзаркан.

Абдуолим хотинининг саволига жавоб бермади. Рости гап, кеча иш тўғрисида хотинига гапирган-гапирмаганини ҳам эслай олмади. Ким билади, балки тунда ғирт маст бўлиб келиб иш тўғрисида гапирган бўлса, гапиргандир, бироқ у ишга кириш тўғрисида бош қотириб ҳам кўрмаганди. Тўғри, қамоқдан келганда, унинг у ер, бу ерда ишлаш режаси бор эди, аммо у орзу қилган ишхоналар ишга олмади, бундайроқ ишларга эса бўйни ёр бермади. Энди у худонинг берган куни нонуштадан сўнг кўчага чиқиб кетар, кечқурун маст-аласт бўлиб қайтарди. Рўзғори билан ҳам, кекса ота-онаси билан ҳам мутлақо иши йўқ. Қўни-қўшнилар, қариндош-уруғ унга икки марта қамалиб чиқдинг, бурнингга сув киргандир, энди бирон-бир ишнинг бошини тут, деб танбеҳ беришар, яхши гаплар билан панд-насиҳатлар қилишар, аммо уларнинг биронтаси ҳам Абдуолимга кор қилмасди.

(Давоми тўртинчи бетда)

ТАЪЛИМНИНГ АСОСИ – ТАРБИЯ



(Давоми.
Боши учинчи бетда)

Энди мени қўлимга қалам олишга ундаган иккинчи мақолага келсак, газетанинг шу йил 1 февраль сонида 6-синф ўқувчиси Сардорбек Ҳамроевнинг **“Ота-она масъулияти оширилса...”** сарлавҳали мулоҳазали мақоласи чоп этилди. Тўғриси, мактаб ўқувчисининг фикрлари менга жуда ёқди. Албатта, боланинг тарбияси учун ота-она, мактаб ва маҳалла бирдек масъул. Ўртага ташланган таклифларда ҳам жон бор. Мақолада таъкидланганидек, **“онадан ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди”**. Ҳар қандай бола ҳам туғилганида худди фариштадек масъум, пок ва беғубор бўлади. Унинг “яхши” ёки “ёмон” инсон бўлиб вояга етишига эса энг аввало, оиладаги тарбия, кейин мактабдаги таълим ва ниҳоят, маҳалла ёки қишлоғидаги “катта”ларнинг таъсири беқиёс бўлади.

Шу ўринда мени бир масала ўйлантиради. Ўз қишлоғи ёки маҳалласидан чиққан ёмон одам билан мақтанган бирор одамни ҳеч учратганмисиз? Йўқ, албатта! Чунки онгли ва ҳалол одам ҳамиша жиноятчидан хазар қилади. Ундан узоқроқ юради. Халқимиз **“қозонга яқин юрсанг қораси, ёмонга яқин юрсанг оласи юқади”,** деган ҳикматни бежиз айтмаган. Демак, сиз-у биз ҳам улардан хазар қиламиз. Лекин маҳалламиз, қишлоғимиз, туманимиз ва ҳатто вилоятимиздан чиққан машҳур кишилар, арбоблар, ёзувчи ва шоирлар номи билан мақтанишни ўрнига қўямизку. Нега энди “ёмон”ларимиздан юз ўгиришимиз керак экан. Назаримда, мақола муаллифи **“маҳалладан чиққан безори ёки жиноятчи учун маҳалла фаоллари ҳам жавоб бериши керак”**, деганида юз карра ҳақ.

Энди ота-она ва мактаб тарбиясига келсак. Мен узоқ йиллик ўқитувчилик фаолиятимдан келиб чиқиб айтаман. Ҳар қандай ўқитувчи ўзи тарбия бераётган бола келажакда яхши одам бўлиб етишишини хохлайди. Агар бирор-бир ўқитувчининг шогирди ёмон йўлга кириб кетса, ҳеч ким уни айбламаса-да, ич-ичидан эзилиб юради. Жумладан, ҳеч қайси ота-она ҳам фарзанди ёмон йўлларга кириб кетишини истамайди. Лекин минг афсуски, ҳаётда ёмон йўлларга кириб кетаётган болалар учрайди.

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, мен собиқ шўро даврида ҳам ўқитувчилик қилганман. Лекин мактабга, умуман таълим-тарбия соҳасига у даврдаги қараш билан истиқлолдан кейинги қараш ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Биргина илк марта мактаб остонасини ҳатлаган болажонларимизга ажратилаётган Президент совғасини олинг. Ҳукуматимиз бу учун озгина маблағ ажратаяптими?! Ёки бундан ўн йил аввал ўрта мактабларда компьютер синфлари бўлади, деса, биров ишонармиди? Йўқ, албатта, ишонмасди. Лекин бугун шаҳар мактабларидан тортиб, энг чекка қишлоқдаги мактабларгача компьютер синфлари мавжуд. Қолаверса, бугун ўқитувчиларга яратилаётган имтиёзлар, шарт-шароитлар, уларнинг маошининг оширилишини олиб кўринг. Мен ҳали касб-ҳунар коллежлари, академек лецейлар ҳақида гапирмаяпман. Айтинг, ахир, қайси мамлакат, қайси давлатда таълим соҳасига шу даражада эътибор берилаяпти?!

Хўш, сиз-у бизга шунчалик имкониятлар яратилиб бериляпти экан, нега юқоридагидек муаммолар юзага келмоқда?

Менинг назаримда, бу ўринда айбни ўзимиздан ахтариб кўрсак, ёмон бўлмасди.

Айни нуқтада, энг аввало, ўқитувчининг обрўси хусусида тўхталишга тўғри келади. Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, мен қирқ йилга яқин мактабда ўқитувчилик қилдим. Биз борган тўйми, маъраками, бирорта ўқувчи яқинимизга келмасди. Агар бирор ўқувчи тўйга борган бўлса ҳам ўқитувчини кўргандан жуфтакни ростлаб қоларди. Йўқ, бу кўрқувдан эмас. Азбаройи ҳурматнинг зўрлигидан эди. Кўча одоби, салом-алик хусусида-ку, гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Айтмоқчи бўлганим, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳурмат аталмиш мустаҳкам қалъа мавжуд эди.

Агар ҳамкасбларим, ота-оналар хафа бўлишмаса, ўқитувчи сифатида ушбу мавзуда айтадиган икки оғизгина гапим бор.

Назаримда бугун айнан мана шу қалъанинг деворлари андаккина дарз кетгандек. Энди биз мана шу қалъанинг деворини бутлаш ҳақида ўйлашимиз керак. Бундай дейишимга сабаб, бугун баъзан тўйда айрим ўқитувчи билан ўқувчи бемалол бир дастурхон атрофида ўтирганига гоҳида кўзингиз тушиб қолади. Тўғриси, агар ўзим шундай ҳолатга гувоҳ бўлмаганимда, бу ҳақда ёзиб ўтирмаган бўлардим. Иккинчидан эса, айрим ўқитувчиларнинг ўзлари китоб, газета-журнал ўқишмайди. Демакки, шогирдларига ҳам ҳаминқадар тарбия беришади.

Бу танганинг бир томони. Энди унинг иккинчи томонига қараб кўрайлик.

Тўғриси, ҳамма айбни ўқитувчиларга тўнкасак, ноҳақлик қилган бўламиз. Чунки боланинг ёмон йўлга кириб кетишида кўп ҳолларда билиб-билмасдан ота-оналарнинг ўзлари ҳам сабаб бўлиб қоладилар.

Мактаб-ку ўз йўлига, лекин уйда ҳам фарзандларингизнинг олдида ўқитувчиси ҳақида ёмон гапларни айтсангиз, уни ўз устозига нисбатан ишончини, ҳурматини сўндирасиз. Демакки, ўқувчи ўзи ҳурмат қилмаган устозни эшитмайди. Яъни унинг дарсига беэътибор бўлиб қолади. Натижада ўша фанни яхши ўзлаштирмайди ва ўз-ўзидан аълочилар сафидан қолоқлар рўйхатига тушади.

Сўзимнинг сўнггида таъкидлаб ўтмоқчиман: таълим ҳамиша тарбиянинг асосига қурилади. Тарбиясиз фарзанд ҳеч қачон яхши ва мукаммал таълим ололмайди. Демак, биз юқоридаги муаммоларнинг ечимини, ўқитувчи ва ота-оналар ҳамкорлигидан қидиришимиз лозим, деб ўйлайман.

Ҳа айтганча, агар айрим аччиқ сўзларим ўқитувчи ҳамкасбларимга ёки ота-оналарга малол келган бўлса, аввалдан узр сўрайман. Зеро, бировнинг кўнглини оғритиш ниятим йўқ. Фақат газета кўтарган муаммоларни бартараф этиш юзасидан ўз шахсий фикр-мулоҳазаларимни билдирдим, халос.

Хулоса қилиш эса ўзингизга ҳавола.

Хурсандой ҲОТАМОВА
Навоий шаҳридаги
17-мактаб директори

Aks-sado

Jinoyat anatomiyasi

БИР ЎЛИБ ТИРИЛГАНЛАР

“МЕН АЙБДОР ЭМАС ЭДИМ!”

1650 йилда Англиянинг Оксфорд ҳудуди судида жуда катта шов-шувга сабаб бўлган жиноий иш кўриб чиқилди. Тергов-суруштирув ишларидан маълум бўлишича, Энн Грин исм-шарифли аёл ўзининг янги туғилган чақалоғини ўлдирган. Жиноят ишини кўриб чиққан суд ҳайъати Эннни айблашга ҳарчанд уринмасин, у ўзига қўйилган айбни тан олмайди. Лекин шунга қарамасдан Энн Грин осиб ўлдиришга ҳукм қилинади. Унинг адвокати апелляция шикояти беришга қанчалик ҳаракат қилмасин, ҳеч ким уни эшитишни хоҳламайди. Ҳукм ижро этилади.

Хуллас, Эннни халқнинг кўз ўнгида дорга осишади. Ўша вақтда Англия қонуни қанча вақтни талаб қилган бўлса, жиноятчи ҳам шунча муддат дорда осилиб туради. Буни бутун шаҳар аҳли кўради ва фуқаролар турли йўсинларда Эннга нисбатан ўз нафратларини баён этадилар. Белгиланган муддат тугагач, махсус хизматчилар Энн Гриннинг жасадини Оксфорд университетига олиб боришади. Чунки Англияда 1540 йилда қабул қилинган қонунга кўра, олий жазога ҳукм қилинган жиноятчининг жасади ҳукм ижро этилгач, албатта, университет шифокорлари томонидан кўрикдан ўтказилиб, ўлим ҳолати тасдиқланиши шарт эди.

Ана шу қонун талабидан келиб чиқиб, Энннинг жасадини ҳам Оксфорд университетига олиб боришади. Буни қарангки, жасадни тиббий текширув учун олиб борган махсус хизматчилар ҳам унинг бўйнидаги арқонни олиб қўйишни “унутиб қўяди”лар. Улар жиноятчи жасадини дордан олишгач, бўйнидаги сиртмоқни ечиб овора бўлиб ўтиришдан эриниб, арқонни бўйиндан са-а-лгина тепароқдан кесиб қўя қолишади. Демак, Энн Грин дорда осилган вақтдан бошлаб, махсус хизматчилар томонидан университетга олиб келингунга қадар, орадан бир неча соат ўтади...

Лекин жасадни ҳар томонлама тиббий текширувдан ўтказган экспертлар ҳайратдан эси оғиб қолади. Чунки Энннинг юраги бир текисда уриб турарди. Ана шунда махсус хизматчилар ва шифокорлар ўртасида баҳс бошланади. Шифокорлар “ўлиб тирилган жиноятчини” яна қайта жаллод қўлига топширишни истамайди. Суд ижрочилари эса Эннни қайта жазолашни талаб қиладилар. Шифокорлар эса ўша пайтда Англия ҳукуматида юқори лавозимларни эгаллаган амалдорларга арз қилишади. Айрим инсонпарвар кишиларнинг аралашуви билан Энн Гринга “иккинчи ҳаёт туҳфа” қилинади.

Энн дорга осилган вақтидан роппа-роса 14 соат ўтиб ўзига келади. Орадан йигирма тўрт соат ўтгач, текширув ўтказган шифокорлар уни буткул соппасоғ эканлигига кафолат беришади.

Бу воқеадан сўнг ҳам Энн Грин яна тўққиз йил яшайди. Яна уч фарзанд кўради. Ўшанда ундан сиз қандай қилиб ўлмай қолдингиз, деб сўрашганида:

– Чунки биринчи фарзандимнинг ўлимида менинг заррача айбим йўқ эди, – деб жавоб берган экан.

Оксфорд университетети шифокор-экспертлари берган маълумотларга қараганда, университетет фаолиятида уч марта “ўлиб тирилиш” ҳолати қайд этилган. Энг қизиғи, ҳар гал дорга осилганлардан фақатгина аёллар қайта “тирилишган” экан...

НОИЛОЖ “ТАСЛИМ” БЎЛДИ...

Қуйида ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеамиз “Энн Грин иши”дан ҳам ғаройиброқ.

1983 йилда АҚШнинг Алабама штати суди босқинчи Жон Льюис Эвансннинг жиноий ишини кўриб чиқади. Жон қуролли босқинчилик ва одам ўлдириш жиноятлари билан айбланаётган эди. Ишни ҳар томонлама кўриб чиққан суд ҳайъати уни олий жазога ҳукм этади. Суд қарорига кўра, ҳукм электр ўриндиғида ижро этилиши керак эди. Жоннинг адвокати ҳам ҳукмни бекор қилиш, ҳеч бўлмаганда, суд апелляция шикоятини кўриб чиққунига қадар ижрони кечиктириш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилади. Лекин унинг барча хатти-ҳаракати зое кетади. Суд апелляция шикоятини қабул қилмайди ва ҳукм белгиланган вақтда – 1983 йилнинг 22 апрелида ижро этилади.

Одатдагидек, жиноятчи электр ўриндиғига махсус хизматчилар томонидан маҳкам боғлаб қўйилади. Шерефнинг буйруғи билан ҳукм ижрочилари симнинг учини токка улашади. Кутилмаганда Жоннинг юз, бўйин ва бел қисмига маҳкамланган қайишлар тутай бошлайди. Шундан кейин шереф ижрони тўхтатиш ва қайишларни текшириб кўриш ҳақида буйруқ беради. (Аслида эса бунга ҳожат йўқ эди. Чунки юқори кучланишли, 1900 волт (!), 8 ампер (!) қувватга эга бўлган электр токининг 10 сониялик (!) уриши ҳар қандай бақувват инсоннинг юрагини ўша вақтнинг ўзидаёқ ҳаракатдан тўхтатиш учун кифоя қилади.) Буйруқ бажарилади. Жиноятчи қайта янги қайишлар билан электр ўриндиғига боғланади. Буни қарангки, иккинчи марта электр токи берилганида унинг оёқ қисми боғланган қайишлар тутаб кетади ва яна қисқа туташув юз беради. Бундан жаҳли чиқиб кетган шереф ижрочиларга Жонни яна қайта электр ўриндиғига “боғлаш” ҳақида буйруқ беради.

Ижрочилар топшириқни бажаргунга қадар Жоннинг адвокати Алабама штати губернатори билан телефон орқали боғланишга муваффақ бўлади ва унга бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ахборот бериб, ижрони тўхтатишни сўради. Лекин штат губернатори унинг илтимосини рад қилди.

Жон Льюис Эванс эса ижрочиларнинг учинчи ҳаракатидан кейингина ўлимга “таслим” бўлди. Ижродан сўнг Жоннинг жасадини кўздан кечирган шифокорлар унинг бош, бўйин ва қўл қисмида тўртинчи даражали куйиш, оёқ қисмида эса иккинчи даражали куйиш ҳолатини қайд этишди. Бу эса ижрочиларнинг биринчи ва иккинчи уринишларидан жиноятчи айтарли “азият” чекмаганлигидан далолат беради.

БУНИСИГА ИШОНИШ ҚИЙИН...

Лекин суд ҳужжатларида айнан ана шундай қайд этилган. 1990 йилнинг 4 майида АҚШнинг Флорида штати ҳудудида жойлашган Старк тумасида жиноятчи Жесс Жозеф Таферо суд ҳукмига кўра электр ўриндиғига “ўтқазилди”. Юқорида айтиб ўтганимиздек, электр ўриндиғида юқори кучланишли токнинг бир уриши инсон юрагини ҳаракатдан тўхтатиши учун етарли ҳисобланади. Бунинг учун бор-йўғи 10 сония вақт “етарли” эканлигини ҳам қайд этиб ўтдик. Лекин Жесснинг ўлимга “таслим” бўлиши учун қайта-қайта уч маротаба 1900 вольтлик электр токи билан урдиришга тўғри келди. Шифокорлар эса унинг ўлим ҳолатини ҳукм ижро этилгач, роппа-роса 4 дақиқадан кейингина қайд этишади. Бу жараёнга гувоҳ бўлган шифокорлардан бири кейинчалик:

– Бундай юқори кучланишли электр токига 4 дақиқа чидаб бериш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Менимча, ё Жесснинг юраги иккита бўлган ёки бу ҳодисани тушунишга ҳали фан ожизлик қилади.

Хорижий ОАВ материаллари асосида И. ҲАМРОЕВ тайёрлади.

Mitti maslahat

ШИКОЯТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Оила кодексининг 192-моддасига кўра, васийлик ва ҳомийлик идораларининг васий ва ҳомий тайинлаш ҳамда васий ёки ҳомийни четлатиш ҳақида, шунингдек, васийлик ва ҳомийликнинг бошқа барча масалалари юзасидан чиқарган қарорлари устидан манфаатдор шахслар судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Маълумки, васийлик ва ҳомийлик идораларининг вазифалари Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Низомда батафсил баён этилган.

Халқ таълими бўлимлари ҳузурида тузилган васийлик ва ҳомийлик кенгашлари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб бориши, бу вазифаларда етарли тажрибага эга бўлган шахслар кам ишлаётгани, айниқса, ҳуқуқшунос кадрларнинг бу йўналишда тақчиллиги қабул қилинаётган қарорларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳамма вақт ҳам мукаммал эмаслигини кўрсатмоқда.

Қонун васийлик ва ҳомийлик идораларининг қарорлари устидан судга шикоят қилишга йўл қўяди.

Оила кодексининг 192-моддасида белгиланган ҳолатларга кўра, васийлик ва ҳомийлик идораларининг васий ва ҳомий тайинлаш ҳамда васий ёхуд ҳомийни четлатиш ҳақидаги қарорлари, шунингдек, васийлик ва ҳомийликнинг бошқа барча масалалари юзасидан чиқарган қарорлари устидан манфаатдор шахслар судга шикоят келтириши мумкин.

Васийлик ва ҳомийликнинг бошқа барча масалалари деганда, шарҳланаётган моддада бевосита кўрсатилган вазифалардан ташқари васийлик ёки ҳомийликка муҳтожларни ҳисобга олиш, жойлаштириш, васий ва ҳомийларнинг фаолиятини назорат қилиш, уларнинг мол-мулкини бошқариш, нафақа тайинлаш ва бошқалар тушунилади.

Қонунда васийлик ва ҳомийлик идоралари қарорлари устидан судга манфаатдор шахслар шикоят қилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Манфаатдор шахслар деганда васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг тўғри ҳисобга олиниши, жойлаштирилиши ва тарбияланишига бевосита алоқадор бўлган ҳамда ўз ҳуқуқий ҳолати ёки фаолияти ва хизмат вазифаларига кўра, васийлик ёки ҳомий шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахслар тушунилади. Булар жумласига васийлик ва ҳомий шахсларнинг ўзи, уларнинг яқин қариндошлари, васий ва ҳомийлар, прокурор, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш идоралари, тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари, жамоат ташкилотлари ва бошқалар киради

Бу туркумдаги ишлар фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан давлат ва бошқа идоралар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш тартибида кўрилади.

Таъкидлаб ўтилганидек, васийлик ва ҳомийлик идораларининг қарорлари устидан шикоят қилиш имкониятининг мавжудлиги кўплаб қонунбузарликларнинг олдини олиб, адолат тўлиқ қарор топиши учун хизмат қилади.

С. ЮСУПОВ,
НамДУ талабаси

Charxi kajraftor

ҚЎРИҚЛАШНИНГ АНТИҚА УСУЛИ

Одамлар шахсий мулкларини асраш, уларнинг хавфсизлигини таъминлашга доимо ҳаракат қилишади. Ана шундай шахсий буюмлардан бири бўлмиш автомашинани ўғрилардан ҳимоя қилиш ҳамма учун бирдек жиддий муаммо ҳисобланади.

Буни қарангки, тиниб-тинчимаган одамлар бу борада ҳам антиқа усулларни ўйлаб топишаётган экан.

Калугалик бир тадбиркор ўзининг чет эл русумидаги яп-янги машинасини ўғрилардан ҳимоя қилишнинг ғаройиб йўлини топибди. Унинг машинасини Дуски лақабли илон қўриқлар экан. Тадбиркорнинг айтишича, ҳар қандай электрон қўриқлаш мосламасидан кўра, ушбу жониворнинг қоровуллиги афзал экан. Бундан ташқари “шўрлик” ўғрилар илоннинг заҳар безлари олиб ташланганлигини қайдан билишсин. Улар учун илоннинг автомашина бошқарув чамбарагига ўралиб турганлигини кўришнинг ўзи даҳшат эмасми?

Қолверса, бу жонли қўриқлаш воситасини боқиш ҳам унчалик катта харажат талаб қилмас экан. Ҳар замонда битта сичқонми, бақами бериб турилса, шунинг ўзи кифоя.

ҚОЙИЛМАҚОМ ЯПОНЛАР

Япон халқи ўзининг меҳнаткашлиги, яратувчанлиги билан дунёга ном таратганми десак, ҳалолликда ҳам уларнинг олдига тушадиган йўқ экан.

Япониядаги Маихара шаҳарчасида истиқомат қилувчи 27 ёшли Синдзи Син йўлдан ўтиб кета туриб, автомашина ўриндиғида турган пул тўла қоғоз халтачани кўриб қолади ва шундай бойликни ташлаб кетишга кўзи қиймайди. Ҳеч ўйлаб ўтирмасдан шартта машина ойнасини синдириб пулни олади-ю, орқа олдига қарамай қочишга тушади. Бир маҳал оғирлиги етти килограмдан ортиқ бўлган қоғоз халтача тўсатдан йиртилиб ундаги пул сочилиб кетади. Шу орада орқадан етиб келган полиция омадсиз ўғрини ушлаганида унда пул қолмаган эди.

Ҳар бири 10000 иен бўлган етти мингта банкнотнинг тақдири нима бўлди, дейсизми? Кўчадан ўтаётганлар уни дарҳол йиғиштириб олишга киришади. Бироқ полициянинг маълумотига қараганда, иеннинг бир донаси ҳам йўқолмабди. Сабаби йўловчилар пулнинг ҳаммасини келтириб топширишибди.

Ана буни ҳалолликнинг асл намунаси деса, бўлади.

Динора АХМАТОВА
тайёрлади.

ДЎКОНДАГИ ФОЖИА

СУД ОЧЕРКИ

(*Давоми.*
Боши учинчи бетда)

Шу пайт Абдуолимнинг хаёлига “хотинимга яхши гапириб, пивога ёки ароққа пул олиш керак”, деган фикр келиб қолди. У хотинига кулиб қаради:

— Албатта, бораман. Бекор юриш ўзимнинг ҳам жонимга тегди, сизларни ҳам қийнаб юбордим.

— Ҳайрият-эй, сиздан ҳам яхши гап чиқаркан!

Хотинининг чиройи очилганини кўриб, Абдуолим мўлжални бехато урганини сезиб, тамоғини қириб қўйди.

Шундан сўнг Абдуолим бир пиёла чой хўплагандек бўлди-да, ўрнидан ирғиб туриб кийина бошлади.

— Хотин, пул-мулинг борми? — деб сўради у.

Хотини эрига бир сўм ҳам пул бергиси йўқ эди. Бироқ унинг феъли ёмон, йўқ деган гапни эшитса, ҳеч шубҳасиз, тўнини тескари кийиб катта жанжал чиқаради, дўппослашдан ҳам тоймайди. Икки марта қамалиб чиқишига ҳам аслида унинг мана шу феъл-атвори сабабчи бўлди. Энди инсофга келганда яна бир балони бошламасин, деб чўчиган бечора аёл, эрига уйдан икки минг сўм олиб чиқиб берди.

Абдуолим кўчага чиқиб икки кружка пиво ичди-да, ўзига келгандек бўлди. Кейин ўзига ўхшаган бекорчихўжалар тўпланадиган жойга йўл олди. Бу ерда у кун ярмигача гап сотиб ўтирди, бир-ярим таниш-билишларнинг ҳисобидан ароқ ичди, ўзи ҳам ёнидаги бор пулни сарфлаб бўлди. Лекин ароққа тўймади, яна ичгиси келди. Кўнгли тусаган нарсага жанжал-тўполон қилиб бўлса ҳам эришадиган Абдуолим ароқ топиш илинжида кўчага йўл олди.

У кўчада бир неча дақиқа турдида, сўнг йўл ёқасидаги дўконга қараб юрди. Бу дўконда бир ёш қиз сотувчилик қилишини у биларди. Абдуолим дўконга кирганда, икки аёл нималарнидир харид қилаётган экан. У пештахтага суянганча аёлларнинг чиқишини кута бошлади.

Ниҳоят, аёллар чиқиб кетишди.

— Амаки, сизга нима керак? — деди сотувчи қиз хушмуомалалик билан, — узр, мен тушликка чиқмоқчи эдим.

— Менга битта ароқ беринг!

Сотувчи қиз ароқни олиб, пештахтага қўйди. Абдуолим ароқни олиб чўнтагига солди-да, сотувчи қизга қараб, «хўп, яхши қиз, саломат бўлинг», деб ташқарига юрди.

— Амаки, пулини бериш ёдингиздан кўтарилди, шекилли, — деб кулди сотувчи қиз.

— Пул! Қанақа пул! — совуқ тиржайди Абдуолим.

Сотувчи қиз — Ноила унинг анчагина маст эканлигини билиб, қўлига ароқ тутганидан афсусланди. Энди ундан бир амаллаб пулни ундириш керак эди.

— Амаки, бу ер дўкон, пулини тўлашингиз керак, йўқса, акамни чақираман, — деди у.

Ўз муддаосига эришиш учун ҳеч нарсадан тоймайдиган Абдуолимга худди шу керак эди. У дўкон эшиги олдига бориб ташқарига қаради, яқин атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, дўкон эшигини ёпиб, кинчисини ичамиз. Бугун бир яйрайлик, дўндиққинам.

— Кетинг! Агар кетмасангиз, бақираман, одамларни ёрдамга чақираман, — деди Ноила ранг-кути учиб.

— Қани бақириб кўр-чи, кўрамиз ким жонингга аро киряркин, — деди Абдуолим пинагини ҳам бузмай.

Ноила, ёрдам беринглар, деб товушининг борича бақириб юборди.

Абдуолим шишани шахт билан ушлаб қизга ўқталди:

— Ўчир овозингни, манжалақи, бўлмаса, миянгнинг қатиғини чиқариб юборaман!

Бу таҳдиддан Ноиланинг баттар ўтакаси ёрилди ва жон-жаҳди билан бақиришга тушди. Абдуолим пештахтадан бир сакраб ўтди-да, унинг оғзини беркитди. Бироқ Ноила уни итариб юборди, дўкон омборига қараб қочди. Омборга ҳам дўкон эшигидан кирилар, таъқибдан қутултирадиган қўшимча эшик йўқ эди. Ноила той пахталарга қоқилиб, йиқилиб тушди. Бу орада Абдуолим етиб келиб, апил-тапил қизни икки қўллаб бўға бошлади. Анча пайтдан сўнг у Ноиланинг жон берганига ишонч ҳосил қилгач, ўрнидан туриб дўконга чиқди. Ойналардан ташқарига қаради: кўчада ҳеч кимнинг қораси кўринмагач, у кассани очиб, 400 сўм пулни олди. Сўнг пештахта тагидаги сирға ва узукларни ҳам олди ва пайт пойлаб ими-жимида дўкондан чиқиб кетди.

Кўп ўтмай унинг ҳуши ўзига келди ва мудҳиш жиноятга қўл урганини ўйлаб, даҳшатга тушди. Жинояти фош бўлишидан чўчиб, Самарқандга қараб қочиб қолди.

Абдуолим жазодан қутулиб қоламан деб хомтама бўлган эди. Жиноят тезда очилди, Абдуолим ички ишлар ходимлари томонидан яширинган жойидан тутиб келтирилди.

Суд унга қилмишига яраша адолатли жазо тайинлади.

Шу билан бу воқеага якун ясасак ҳам бўларди. Бироқ кишини ўйлантирадиган томони шундаки, бир одамнинг ҳаётда ўз ўрнини топа олмаслиги, худбин феъл-атвори нафақат унинг ўзига, балки бошқа кишилар умрига рахна солиши мумкинлигини кўра-била туриб, қавму қариндошлар, маҳалла-куй нега сукут сақлади? Нега улар Абдуолим бир, боринги, икки қоқилганда уни тўғри йўлга солмади?

Назаримда, мана шу саволларга жавоб топсак, аниқроғи, ҳар биримиз «буни менга алоқаси йўқ» деган лоқайдлик иллатидан қутулсак, бундай жиноятнинг олдини олган бўлардик.

Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон?!

Шохруҳ АКБАРОВ,
журналист

Jinoyat va jazo

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-117. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5